КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 30 ЯНВАРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 21 (11.332) Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Кеча Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси қошида ўқув маркази фаолият бошлади.**

**• Андижонда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши ҳисобига янги қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши, саноат тармоқларининг янги техника ва технологиялар билан жиҳозланиши вилоят бўйича 2008 йилда 816,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилиш имконини яратди.**

**• Бухоро Давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонасида «Бухоро вилоятининг табиати ва табиий бойликлари» номли янги экспозиция очилди. Ундан воҳанинг геологияси, иқлими, фойдали қазилмалари, сув тизими, тупроғи, флора ва фауна олами ҳамда экологиясига оид 230 дан ортиқ янги экспонатлар ўрин олган.**

**• Қашқадарё вилояти Қизил Ярим Ой жамиятида «Ўзбекистонда аҳоли ва мактабларни фавқулодда вазиятларга тайёрлаш дастури» лойиҳаси бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, фавқулодда вазиятлар шароитида ўз вақтида ёрдам кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.**

**• Навоий вилоятининг Томди, Конимех, Нурота, Учқудуқ туманлари чорвадорларининг Самарқанддаги қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-текшириш институти олимлари билан ўрнатган ҳамкорлиги катта самара бермоқда. Жумладан, чорвадорлар билан олимлар ҳамкорлигидаги селекция ишлари натижасида «Нурота» ширкат хўжалигида «Зармалла», «Абай» номли ва «Қизилқум» наслчилик ширкат хўжаликларида қоракўлнинг Ўзбекистон кумуш сури тури яратилди ва селекция ютуғи сифатида патент олинди.**

**• Айни кунларда Тошкент вилояти туманларида «Энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтмоқда. Янгийўл туманидаги 23-мактабда ташкил этилган танловда тумандаги 58 та мактабдан 161 та фан ўқитувчиси иштирок этди.**

**• Бухоро шаҳрида журналистлар учун «Гендер ва оммавий ахборот воситалари» мавзуида минтақавий семинар ўтказилди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, БМТ Ривожланиш дастури ҳамда Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг Гендер дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тиббиёт, таълим, маданият ва оилавий муносабатларнинг Гендер жиҳатларига оид маърузалар тингланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Бугун Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев ҳамда Куба давлати раҳбари Раул Кастро ўртасида расмий музокаралар бўлиб ўтди.**

**• Кеча Африка қитъасининг 9 та мамлакати қароқчиликка қарши ҳамкорликда курашиш юзасидан битим имзолашди.**

**• Кеча Францияда касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган умуммиллий иш ташлаш давомида намойишчиларнинг полициячилар билан тўқнашувлари ҳам рўй берди. Шу муносабат билан Франция Президенти Николя Саркозининг Африкага ташрифи ҳам қолдирилди.**

**• Кеча Россиянинг Камчатка ўлкасида бир кеча-кундуз давомида бир ойлик меъёрдаги қор ёғиши катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Баъзи ерларда қорнинг қалинлиги 1 метрдан ошди. Табиат инжиқлиги туфайли мактабларда ўқиш бекор қилинди.**

**• Колумбия пойтахти Богота шимолида кучли портлаш юз берди. Маълум бўлишича, портловчи модда видеомаҳсулотларни ижарага берувчи дўконлардан бирининг яқинида жойлашган банкоматга ўрнатилган экан. Ушбу хунрезлик оқибатида икки киши ҳалок бўлган, 20 га яқин одам турли даражадаги тан жароҳатларини олган, 5 та автоуловга эса жиддий зарар етган.**

**• Американинг марказий ва шарқий штатларида кучли қор ёғиши жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қор бўронлари натижасида 21 киши ҳаётдан кўз юмди. Айниқса, Арканзас, Кентукки ва Иллинойс штатларида аҳвол бирмунча оғир.**

**• Ҳиндистон ҳарбийлари Кашмир вилояти ҳудудида бўлиб ўтган кескин жанглар давомида «Лашкари Тоиба» террорчи ташкилоти етакчиларидан бири Абу Ҳамза ўлдирилгани ҳақида хабар қилдилар. Таъкидлаш жоизки, «Лашкари Тоиба» террорчилари ўтган йилнинг ноябрь ойи охирида Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида содир этилган бир неча террористик ҳаракатлар учун жавобгар ҳисобланади.**

**• Шотландиянинг Стюартон шаҳрида бензин ёнилғиси олиб кетаётган юк поездининг издан чиқиб кетиши натижасида кенг кўламдаги ёнғин юзага келди, ушбу тармоқдан бир неча соат давомида поездларнинг ҳаракати тўхтаб қолди.**

**• Жазоирда бир кеча-кундузда 1 миллион куб метр газ қазиб олиш имконияти мавжуд бўлган йирик табиий газ кони топилди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

• **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлигида Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорлигида ўтказилган семинар «Маънавий юксалиш йўлида» деб номланди.

• **МИРОБОД** туманидаги 31-мактабда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан тарих ва ҳуқуқий фанлар ойлиги доирасида уюштирилган фестивалда шаҳримиз мактабларининг тарих фани ўқитувчилари иштирок этишди.

• **РЕСПУБЛИКА** «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгашида ўтган йилда спортнинг кўпгина йўналишларида халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этган ёш спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• **ТОШКЕНТ** қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Касб маҳорати» кўрик-танловининг қурилиш-пардозлаш йўналиши бўйича республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• **«ЎЗСТАНДАРТ»** агентлигида мутахассислар, спортимиз мутасаддилари иштирокида ўтказилган тадбир мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларини жаҳон андозаларига мос этиб тайёрлаш масалаларига бағишланди. Тадбир доирасида спорт жиҳозлари кўргазмаси ташкил этилди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида янги рақс студиясининг очилиш маросими ўтказилди.

• **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида ёшларнинг хонанда Шавкатжон Ражабов билан учрашуви уюштирилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*Хусусий бизнес*

## СИФАТГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ

**ПОЙТАХТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛ САЙИН РИВОЖЛАНИБ, ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ САФИ ОРТИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИДА, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ, ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ УЛУШЛАРИ САЛМОҚЛИ БЎЛМОҚДА.**







Мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилган юксак эътибордан оқилона фойдаланган ҳолда фаолият бошлаган «NURAFSHON NUR» ишлаб чиқариш хусусий корхонаси чеварлари ҳам бугунги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилишмоқда, тайёрланаётган маҳсулот сифатига эътибор қаратишмоқда, буюртмаларни вақтида уддалашмоқда.

— Бугунги кунда буюртмачиларнинг танлаш имкониятлари кенг, харидорларнинг диди юксалиб бормоқда, — дейди корхона раҳбари Муҳаббат Тошмуҳамедова. — Шу боис ҳам бозорни тинмай ўрганиш, талаблар даражасидаги маҳсулот турларини кўпайтириш йўлида изланиш лозим бўлади. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун фақатгина билим, чеварлар маҳорати кифоя қилмайди. Бунинг учун замонавий технологиялардан, юксак унумли хорижий дастгоҳ ва ускуналар қувватидан оқилона фойдаланиш, албатта зарур. Бусиз бозорда ўрин эгаллаш, буюртмачи талабини қондириш, харидорни жалб этиш мушкул бўлади. Шу боис ҳам хусусий корхонамиз цехларига Хитойдан келтирилган янги турдаги унумли дастгоҳларни ўрнатганмиз. Жорий йилда эса маҳсулотларимиз дизайнини янада яхшилаш, соҳа ходимлари учун хилма-хил ва қулай иш кийимлари турларини яратиш мақсадида яна Хитой давлатидан нақш босиш дастгоҳини лизинг асосида келтиришни режалаб турибмиз. Бу, албатта янада кўпроқ буюртмачиларни жалб этишда, тайёр маҳсулотлар кўринишини яхшилашда имконият яратади.

Тадбиркорлар ўтган йилни ўзига хос ютуқлар билан якунлашди. 2008 йилда турли соҳа ходимларининг иш кийимлари турлари 1000 хилдан ортиб кетди. Улар орасида бунёдкор-қурувчилар, транспорт ва саноат ходимлари, газчи ва энергетиклар ҳамда бошқа турли тармоқ вакиллари бор. Жорий йил эса Сурхондарёдаги «Мирзачўл» давлат унитар корхонаси буюртмасини бажариш билан бошланди. Ҳозирда яна кўплаб буюртмачиларни жалб этиш, улар билан шартномалар тузиш, кўрик ва тендерларда иштирок этиш мақсадида корхона дизайнерлари иш кийимларининг янги моделларини яратишмоқда. Уларни тайёрлашда эса маҳаллий ҳамда хорижий хом ашёлардан самарали фойдаланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган бир нечта ёш қизлар моҳир чеварлардан ҳунар сирларини мукаммал ўрганишди ва ҳозирда буюртмаларни бажаришда устозларидан ортда қолишмаяпти. Жорий йилда ҳам бундай эзгу ишлар давом эттирилади.

Маҳсулот тайёрлашда асосий эътиборни сифатга қаратаётган тадбиркорлар келгусида ўзларининг рақобатбардош иш кийимлари билан ташқи бозорга чиқишни, хорижий корхоналарнинг буюртмаларини бажаришни ният қилишган. Бу билан улар экспорт ҳажми ортишига муҳим улуш қўшишмоқчи. Ҳаракатда барака, дейди доно халқимиз. Изланганга толе ёр бўлиши эса шубҳасиздир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: меҳнат муваффақиятларида, тайёрланаётган маҳсулот сифатида, буюртмаларнинг вақтида бажарилишида маҳоратли чеварларнинг ҳиссаси беқиёс.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## МИСР МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР ВА ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТГА ЧЕТ ЭЛ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА.**

Яқинда Қоҳирада нашр этиладиган "ал-Миса" газетасида "Ўзбекистонда ёшлар учун савдо ва саноат соҳасида яратилган имкониятлар" деб номланган мақола эълон қилинди. Унда мамлакатимизнинг Қоҳирадаги элчихонасида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими тафсилотлари билан бирга, юртимизда хорижий тадбиркорларнинг фаолият юритиши учун яратилган шароитлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонга сармоя киритиш ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш мақсадида жорий йилнинг март ойида бир гуруҳ мисрлик ёш тадбиркорларнинг мамлакатимизга сафари амалга оширилиши режалаштирилаётгани ҳақида маълумот берилган.

"Савт Эмбаба" ("Эмбаба овози") газетасида эса "Ўзбекистон – сармоя киритиш учун энг қулай мамлакат: Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция муҳити Миср ва халқаро талабларга мос" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар" сарлавҳали, ранг-баранг суратлар билан безатилган мақолалар чоп этилди. Уларда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар, хусусан, жалб қилинаётган маблағ давлат томонидан кафолатланиши инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада ошираётгани хусусида фикр юритилган.

**«Жаҳон» АА, Қоҳира**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳромжон Аълоев ушбу мамлакат Президенти Николя Саркозига ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Н.Саркози сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги Ўзбекистон — Франция муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини ижобий баҳолади.

Франция президенти унинг мамлакати икки давлат халқлари манфаатлари йўлида Ўзбекистон билан Франция ўртасида самарали ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиш билдиришини алоҳида таъкидлади.

**"Жаҳон" АА**

## ҲУҚУҚИЙ МАВЗУДА КЎРИК-ТАНЛОВ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИНИНГ, ЖУМЛАДАН, ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУНДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 1997 ЙИЛ 25 ИЮНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ ЯХШИЛАШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ФАРМОНИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Адлия идоралари билан оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили саккиз мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилгани шундан далолатдир.

Адлия идоралари томонидан қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган бундай тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш мақсадида ўтказилаётган танловлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Адлия идоралари: оммавий ахборот воситалари нигоҳида" республика кўрик-танловининг тақдимотида журналистлар танлов шартлари, уни ўтказиш тартиби билан таништирилди.

2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши муносабати билан танловни ўтказишда ушбу мавзудаги материалларга алоҳида эътибор берилиши таъкидланди.

**Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

*Фармон ва ижро*

# ТАДБИРКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ОШИРИШ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ, ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИШЛАР САМАРАСИДА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ТАДБИРКОРЛИК ВА БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ ИШТИРОКИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА.**

Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида "Ипотека банк" акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам самарали ишлар амалга оширилаётир. Мазкур банк 2008 йил давомида кичик бизнес субъектларига 104,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратгани бунинг тасдиғидир.

"Ипотека банк" матбуот хизматидан маълум қилишларича, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан ҳозиргача қарийб тўққиз минг тадбиркор аёлга кредит берилди.

Шунингдек, янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ўз бизнесини йўлга қўяётган ишбилармон аёлларга 13 миллиард 482 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Мазкур маблағлар асосан хотин-қизлар меҳнат қиладиган саноат ва ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилди.

– Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тикув ускуналари ва хомашё харид қилишга «Ипотека банк»нинг Яккасарой филиалидан 15 миллион сўм имтиёзли кредит олган эдик, – дейди «Ohunbobo fayz» масъулияти чекланган жамият раҳбари Санобар Турсунова. – Натижада 2008 йил давомида 14,8 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладик. Ишчиларимизнинг асосий қисми хотин-қизлардан иборат.

«Ипотека банк»дан 70 миллион сўмлик кредит олган "Оҳангарон Исмигул" хусусий корхонаси ҳам аҳолига сервис хизмат кўрсатишни ривожлантириш мақсадида умумий овқатланиш шохобчаси қуриб, йигирмадан зиёд иш ўрни яратди. Самарқандлик хусусий тадбиркор Муножот Умурова 15 миллион сўм кредит эвазига ип газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

«Ипотека банк» тақдим этаётган кредитлар эвазига тадбиркорликни йўлга қўяётган бундай ишбилармон аёлларнинг сафи тобора кенгайиб бораётир. Бу эса халқимиз фаровонлигининг ва аҳоли бандлик даражасининг янада ошишига хизмат қилмоқда. 2008 йилда банк маблағлари эвазига мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани бунинг далилидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**



*Танловлар*

# ИСТЕЪДОДЛИ ҲУНАР ЭГАЛАРИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЁШЛАРНИНГ БИЛИМ ОЛИШЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. ШУНИНГДЕК, ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР, ФЕСТИВАЛЛАР ФИКРИМИЗНИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР.**

Жумладан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг «Касб маҳорати» танлови бу йил ҳам юқори савияда ўтказилди. Республика миқёсидаги танлов йўналишлар кесимида турли номинациялар бўйича уюштирилиб, «Пайвандлаш конструкциялари ишлаб чиқариш» номинацияси бўйича танловнинг республика босқичи Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Тадбирни Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ш.Жавлонов кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларнинг барчаларига омад тилади. Шундан сўнг ўқувчилар ўзлари эгаллаётган соҳа бўйича ўз билим ва малакалари, истеъдодларини намойиш этиб ўзаро беллашдилар.

— Танловнинг ушбу ўқув муассасасида ўтказилиши бежиз эмас, — дейди Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи директори Зокир Ғаниев.— Ўқув масканимизда пайвандлаш йўналиши бўйича барча шарт-шароитлар мавжуд. Шуни айтиш жоизки, бундай танловларни ўтказиш ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кичик мутахассислар касбларини кенг тарғиб этиш, ўқувчиларнинг ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича кўникма ва малакаларини эгаллашга бўлган қизиқишларини кучайтириш, меҳнат фаолиятига тайёргарлик салоҳиятини ва касбий маҳоратларини янада ошириш ва таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратади. Ушбу танловни ўтказишдан мақсад фақатгина ғолиб ўқувчини танлаш эмас, балки ғолиб ўқувчиларни танловга тайёрлаган, ҳар бир касб-ҳунар коллежида меҳнат қилаётган фидойи,ўз касбининг моҳир устаси бўлган малакали мутахассис ўқитувчилар ва устозлар хизматини ҳам маълум маънода баҳолашдан иборат. Касб-ҳунар коллежларининг битирувчи курс ўқувчилари ўртасида «Касб маҳорати» танловини ўтказиш тўғрисидаги Низомга асосан танлов Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда Республика миқёсида ўтказилди. Танловнинг 1, 2-босқичлари қониқарли ташкил этилиб, унда ғолиб чиққан ўқувчилар республика босқичига йўлланма олдилар.

Мазкур танлов олдинги босқичлар каби икки турда — назарий (тест саволлари асосида) ва амалий синов (касбий— амалий топшириқлар асосида) тарзида ўтказилиб, унда турли вилоятлардан келган 11 нафар иккинчи босқич ғолиби бўлган ўқувчилар қатнашдилар. Уларнинг билим ва кўникмаларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари холисона баҳолаб бордилар. Ёшлар ўртасидаги ҳақиқий билим ва малака мусобақасига айланган ушбу танловнинг уюшқоқлик билан ўтказилганлиги ва эришилган натижалар бу тадбирга мазкур таълим муассасаси жамоасининг алоҳида жиддий тайёргарлик кўрганлигидан далолат берди.

Танлов якунида «Пайвандлаш конструкциялари ишлаб чиқариш» мутахассислиги бўйича ўзаро беллашган ўқувчилар орасидан ўз ўқув юрти шарафини ҳимоя қилган қуйидаги ўқувчилар ғолиб деб топилиб, муносиб ўринларга сазовор бўлдилар. Биринчи ўрин Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Раҳимжон Абдувалиевга насиб этди. Иккинчи ўринларга Бухоро вилоятидан А.Ёриев ва Сирдарё вилоятидан Б.Исроилов сазовор бўлдилар. Учинчи ўринга эса Қашқадарё вилоятидан У.Саидов муносиб деб топилди. Ғолиб ўқувчилар ташкилотчилар томонидан махсус диплом, Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу республика миқёсидаги танлов келгуси йили ўтказиладиган танловларда энг иқтидорли касб усталарини танлаб олишда ва мутасадди бўлган раҳбарларнинг ўз вазифаларига янада масъулият билан қарашларига замин яратади албатта.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган танловдан лавҳалар**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЁШ АВЛОДНИНГ МАДАНИЙ САВИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВА ЖАҲОН МУСИҚАСИНИНГ ЮКСАК НАМУНАЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШИ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ, БОШЛАНҒИЧ МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.**

# МИЛЛИЙ МУСИҚА ВА САНЪАТИМИЗ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, жойлардаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, иккита республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

— Юртбошимизнинг мазкур қарори билан тасдиқланган Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим тизимини такомиллаштириш, бошланғич мусиқий таълимни ривожлантириш, йўналишлар бўйича мутахассис ҳамда педагогларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш имкониятларини янада кенгайтиради, — дейди халқ таълими вазирлиги мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи Илҳом Турсунбоев. — Шунингдек, ушбу даргоҳларнинг умумтаълим мактаблари билан ҳамкорлиги яхшиланиб, эстетик таълим-тарбия сифати янада юксалади.

2009-2014 йилларда мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 278 тасида қурилиш-таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Жорий йилда уларнинг олтитаси – Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Андижон вилоятининг Хўжаобод, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Сирдарё вилоятининг Боёвут ва Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманларидаги муассасалар капитал реконструкция қилиниб, замонавий мебель, мусиқа асбоблари, зарур ускуналар билан таъминланади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар мусиқа ва санъат мактабларининг мавжуд ўқув режалари қайта ишланиб, такомиллаштирилди. Мусиқа ва санъат мактаблари учун ўқув қўлланмалари, нота ва бошқа ўқув-услубий материаллар чоп этиш режаси тасдиқланди. Унга кўра, 2009-2014 йиллар мобайнида 60 номда 99 минг 688 нусха янги ўқув қўлланмалари, 32 номда 59 минг 510 нусха ноталар тўплами, 41 номда қарийб юз минг нусха ўзбек ва чет эл бастакорлари асарларини нашр этиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, ўзбек халқ чолғу асбоблари, мусиқа назарияси сингари етти йўналиш бўйича кўргазмали плакатлар, 13 йўналишда миллий ва жаҳон мусиқа санъати ўқув қўлланмалари жамланадиган «СД» дисклар тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида эндиликда мавжуд ихтисослашган мусиқа ва санъат мактабларида ҳайкалтарошлик, зардўзлик, тасвирий санъат, ёғоч ва ганч ўймакорлиги каби 17 йўналиш бўйича таълим-тарбия бериш йўлга қўйилади.

Шу ўринда юртимиздаги чолғу асбоблари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ўзбек халқ усталари билан ҳамкорликни ривожлантириш, мусиқа асбобларини таъмирлаш устахоналарини очишга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаш жоиз. Жойларда қирқдан ортиқ ана шундай устахона иш бошлади. Ўтган йилнинг октябрь ойида пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмасида мусиқа асбоблари, ускуналар ва ўқув қуроллари кўргазмаси ўтказилди. Тадбирда қирқдан ортиқ уста томонидан тайёрланган 110 хилга яқин чолғу асбоби, тасвирий санъат ускуналари ҳамда ўқув мебеллари намойиш этилди.

Бундай кўргазма ва тадбирларнинг уюштирилаётгани болалар мусиқа ва санъат мактабларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли ўқув қуроллари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мусиқа ва санъат ривожига, ўсиб келаётган ёш авлод камолотига берилаётган бундай катта эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрлик самараси ўлароқ, ёшларимиз турли халқаро танловларда юқори ўринларни эгаллаб, миллий мусиқа ва санъатимизнинг бетакрор жозибасини дунёга танитмоқда.

2008 йили 37 нафар ёш истеъдод соҳиби Германия, Франция, Япония, Италия, Греция, Швейцария, Португалия, Россия, Украина, Литва сингари мамлакатларда ўтказилган халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни эгаллагани бунга мисолдир.

Бу ютуқларнинг барчаси мамлакатимизда мусиқа ва санъатни ривожлантириш, истеъдодли ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ижрочилик санъатини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Иқтисодиёт*

# ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА АСОСИДА

**МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАРНИ ТОРТИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТРОВОЗЛАР ҚАТНОВИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА ЯНГИ ЛОЙИҲА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.**

Темир йўлнинг электрлаштирилган участкаларида бундай транспорт воситаларидан фойдаланиш йўловчилар учун қатор қулайликлар туғдиради. Айниқса, электровозларнинг ҳаракат тезлиги «Ўзбекистон» электровозиникидан анча юқори. Шу сабабли йўловчиларга хизмат кўрсатиш жараёнлари такомиллашади. Электровозда кечаётган барча жараёнларни унинг бўлинмасидаги компьютер очиқ-ойдин кўрсатиб туради.

Бу янгилик темир йўллар фаолиятини замонавий усулларда ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратади.

# ИҚТИСОДИЙ САМАРА БЕРМОҚДА

**«ЎЗАВТОСАНОАТ» ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИНИНГ ШАҲРИМИЗ ТРАНСПОРТЧИЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ КАТТА ИҚТИСОДИЙ САМАРА БЕРМОҚДА.**

Жумладан, «12-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти ҳузурида ташкил қилинган «Автобустранс яхши ният» корхонаси тажрибаси ҳам қўл келди. Натижада қатор автосаройларда тажриба-намуна ишлари йўлга қўйилди.

Булардан ташқари «Тошавтобустранс» компанияси таркибига йўналишли такси режимида фаолият юритувчи «Садиёр Авто Бизнес» ва «Такси Голд сервис» корхонаси ҳам қўшилди. Шаҳар ер усти электр транспорти таркиби эса, «71-619 КТ» русумли янги трамвайлар ҳисобига янгиланди. Улар хизматидан йўловчилар баҳраманд бўлишмоқда.

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

**«ЎЗБЕККАБЕЛЬ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТИБ,ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР БУЮРТМАЧИЛАРГА ПЕШМА-ПЕШ ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА.**

Бунинг учун корхона «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компанияси билан шартнома тузди. Ўзаро келишувга биноан «БПВЛ» маркаси билан чиқариладиган янги турдаги кабель маҳсулотлар ҳам темирйўл вагонларида ташилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, йўловчи вагонларининг электр жиҳозларини таъмирлаш бўйича ҳам шартнома имзоланади. Бу эса электровозлардан фойдаланиш учун кенг йўл очади.

**Акбар АЛИЕВ**

# ХАРИДОРГИР ҚУВУРЛАР

**ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. УЛАР НАФАҚАТ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА, БАЛКИ ФУҚАРОЛАРИМИЗ УЧУН ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ ЯРАТАЁТГАНЛИКЛАРИ ҲАМ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.**

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Тошкент қувурлар заводи» қўшма корхонаси жамоаси ишлаб чиқараётган оқава сув қувурлари ўзининг сифати, ишлатишда қулайлиги, узоқ йиллар хизмат қилиши билан ажралиб туради. Айниқса, мазкур корхонанинг махсус буюртмага асосан тайёрланадиган турли диаметрдаги қувурлари харидоргир ҳисобланади.

Эътиборли томони, бу ерда цехлар замон талабига мос замонавий технологик линиялар, дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган ҳамда асосийси, ишчи-хизматчиларнинг касб маҳорати кучли. Барча буюртмалар ўз муддатида ва сифатли бажарилади. Ўтган йилнинг ўзида қўшма корхонада касаначилик асосида хотин-қизлар учун 70 та янги иш ўринлари яратилди.

Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган ушбу корхона тадбиркорлари жорий йилда ҳам талай мақсадларни амалга оширишни режалаган, лойиҳалар тузган ҳолда изланишмоқда. Изланган эса албатта, имкон топади.

# НАФИС, БЕТАКРОР МАҲСУЛОТЛАР

**ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ ДУРДОНАЛАРИ ҲАҚИДА ГАП БОРГАНДА, ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТИШИ БЕЖИЗ ЭМАС. НЕЧА-НЕЧА АСРЛАРДАН БУЁН МИЛЛИЙЛИГИМИЗ РАМЗИ ҲИСОБЛАНГАН НАҚШЛАР КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН НАҚШИНКОР БУЮМЛАР БУГУНГИ КУНДА ҲАМ НАФИС ВА БЕТАКРОРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.**

Мазкур соҳада ёш бўлишига қарамай самарали ижод қилаётган ҳунарманд Шерзод Ҳакимов қалб қўри қўшиб тайёрланган маҳсулотлари — икки табақали эшик, лавҳ, курси, стол, сандиқча, қути, устун каби санъат даражасига етказиб тайёрланган буюмлари билан эл назарига тушди. Унинг маҳсулотлари кўплаб кўрик-танлов, санъат байрамларида намойиш қилиниб, совринли ўринларга муносиб бўлди.

Эътиборли томони, уста аждодларимизнинг ўлмас меросини шогирдлари — қизиқувчан, зукко, ёғоч ўймакорлигига алоҳида меҳр қўйган ёшларга астойдил ўргатиб келмоқда. Бир-бирини такрорламайдиган, Шарқнинг гўзал жилосини кўз-кўз қилувчи нақшлар туширилган буюмлар, маҳобатли бинолар ҳунарманд усталарнинг устозларининг ўлмас меросини асраб-авайлаши, уни ривожлантириб боришидан ёрқин далолат ҳисобланади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА КЕКСА АВЛОД ВАКИЛЛАРИГА ДОИМИЙ ҒАМХЎРЛИК, ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ КЎРСАТИБ КЕЛИНМОҚДА. ФАХРИЙЛАР ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЎЗИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.**

# КЕКСАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу ҳақда гап борди.

Жамғарма марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев бошқарган йиғилишда республикамизда барча пенсионерларга мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани қайд этилди.

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари жамғарма фаолиятида асосий ўрин тутади. 2008 йилда жамғарма томонидан нуронийларга қарийб саккиз миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани бунинг тасдиғидир.

Жамғарма кўмаги билан барча ёлғиз қариялар диспансер кўригидан ўтказилди, даволанишга муҳтожлар стационар, амбулатория ва уй шароитида даволанди. Уларга бепул дори-дармон етказиб берилди.

Шу билан бирга, кўплаб фахрийлар саломатлик ва даволаниш масканларида соғлигини тиклаётгани, уларнинг қадимий шаҳарлар, зиёратгоҳ ва қадамжоларга саёҳатлари мунтазам уюштирилаётгани ҳам кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ифодасидир.

Фахрийлар жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, ёш авлодни она Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўзларининг бой ҳаётий тажриба, куч ва билимини сафарбар этмоқдалар.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

# «ЁШЛАР ПАРВОЗИ» МЕДИА-ФОРУМИ

**ТОШКЕНТДАГИ «DEDEMAN SILK ROAD» МЕҲМОНХОНАСИДА «ЁШЛАР ПАРВОЗИ» МЕДИА-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда ёшлар телерадиостудияларининг журналистлари, нодавлат телерадиостанциялар раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, "Камолот" ЁИҲ ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу медиа-форумда асосий эътибор ёшлар студияларининг 2008 йилдаги фаолияти сарҳисоби ҳамда жорий йилда амалга оширилиши кўзда тутилаётган иш режаларига қаратилди.

Айтиб ўтиш жоизки, 2008 "Ёшлар йили" доирасида "Ёшлар телестудияларини ташкил этиш ва ривожлантириш" лойиҳаси тадбиқ этилган эди. Вилоятлардаги Ёшлар студиялари ўзига журналистика соҳасига қизиқадиган 200 га яқин ёшларни жалб қила олди. Шу билан бирга пойтахтда "Эркин фикр" телестудияси қошида ёшлар таҳририяти ташкил этилди. Йил давомида Ёшлар студияларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 11 та телевизион ускуналар жамланмаси ҳамда Ёшлар студиялари учун тасвирга олиш павильонлари қуриб фойдаланишга топширилди.

— Ушбу медиа-форумга "Мен, сен ва биз..." телелойиҳаси билан иштирок этмоқдамиз, – дейди Наманган вилояти, "Келажак овози" Ёшлар студияси журналисти Зулайҳо Зайниддинова. – Лойиҳа тақдимотини ўтказдик ва у бошқа ижодкорлар томонидан илиқ кутиб олинди. Энди ушбу кўрсатув ойда икки маротаба ЎзНТТ орқали намойиш этилади. Ҳар бир вилоят вакиллари ўзларининг янги ғоя, янги лойиҳаларини тақдим этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Маълумки, "Ёшлар телерадиостудияларини ташкил этиш ва ривожлантириш" лойиҳаси Олий Мажлис Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватланиб, ташаббускор ва ўзини кўрсата олган ёшлар студияларини рағбатлантириш учун махсус грантлар ажратилган. Махсус грантлар доирасида 2008 йилнинг энг фаол саккизта ёшлар студияларига монтаж компьютерлари ва кичик рақамли видеокамералар топширилди. Бундан ташқари, медиафорум доирасида энг яхши бешта телелойиҳа ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдирланди.

Шунингдек, ЎзЭОАВМА, Республика Маънавият-тарғибот маркази ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари дастурларининг маънавий мезони" мавзусида анжуман ўтазилди. Унда 2009 йилга мўлжалланган Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар дастури муҳокама этилди. Бундан ташқари, ҳудудий телестанцияларда маънавий-маърифий мавзуларнинг ёритилиши, уларнинг эфирини жамият, айниқса, ёшларнинг маънавий юксалишига кўмаклашувчи телемаҳсулотлар билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

